

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодий турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечириш ва йирик объектларни ишга тушириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг келгуси вазифаларини белгилаб бериш мақсадида Хоразм вилоятига ташир буюрди.

Ташриф давомида:

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишини кўздан кечирди, Хонқа туманида барпо этилган мебел-созлик кичик саноат зонасини бориб кўрди, Хонқа туманидаги «Собиржон Юсуф» оилавий фермер хўжалиги даласида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида кўра, Хоразм вилояти Хонқа туманидаги «Собиржон Юсуф» оилавий фермер хўжалиги раҳбари Ойимжон Отажонова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвони билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида аҳолига яратилаётган қулайликлар билан ҳам танишди. Жумладан, Президентимизга транспорт хизматларини яхшилаш мақсадида 50 та замонавий автобус келтирилгани, Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси амалга оширилаётгани, юртимизда ишлаб чиқарилаётган вагонлар ва Урганч-Хива электрлаштирилган темир йўли бўйича маълумот берилди. Президент мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги поездда жамоатчилик билан бирга Урганчдан Хивага борди.

Президентимиз Хива шаҳрида барпо этилган «Арда Хива» замонавий халқаро туризм маркази билан танишди ҳамда унинг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ



Бандихон туманининг Бирдамлик маҳалласида яшовчи Азамат Худойназаров Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади. Урганиш давомида у 2019 йил 2 ноябрдан Қизилқум туманидаги 55- (Бандихон туманидаги ҳозирги 10-) мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошлагани маълум бўлди. Лекин 2024 йил 15 ноябрда ўзаро тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми, 5-бандига асосан бекор қилинган.

ИШ БЕРУВЧИ НОҲАҚ ЭДИ

Тўғри, МКнинг 312-моддаси талабига кўра, иш берувчи ходимни интизомий жазога тортишга ҳақли. Аммо...

Метод бирлашмаси А.Худойназаровни 2024-2025 ўқув йили учун 19 соат дарс соати билан таъминлашга тавсия қилган бўлса-да, мактаб директори дарс соатлари беришни асоссиз равишда рад этган. Демак, бу ҳолатда ходим меҳнат муносабатларини бузмаган ҳисобланади. Қисқаси, мактаб маъмурияти меҳнат шартномасини бекор қилишда МКнинг 312-моддаси талабларига зид иш тутган.

Юқоридагиларга асосланиб, фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво-ариза киритдик ва иш берувчининг ноқонуний буйруғи бекор қилинишига эришдик. Шундай қилиб, А.Худойназаров ўз вазифасига тикланди ҳамда унга жами 39 миллион 14 минг 226 сўм ойлик иш ҳақи тўлаб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори



Касаба
уюшмаси
аралашгач...

60 НАФАР ХОДИМГА

300 000 000 сўм ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўтган йилнинг август ойидан Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқхона мажмуасида реконструкция ишлари бошланиб, бўлимлар фаолияти тўхтатилади. Оқибатда туғуруқ бўлимида ишлаб келаётган 70 нафарга яқин ишчи-ходим иш ҳақисиз қолди.

Ходимлар бу борада ҳуқуқий кўмак сўраб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилишди. Шунга кўра, ўрганиш ишлари олиб борилди. Пировардида бўлимдаги қурилиш ишлари сабабли ходимларга қарийб беш ой давомида иш ҳақи тўланмаган.

Меҳнат кодексининг 266-моддаси 1-қисмида иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган вақт учун (иктисодий, технологик, техник ёки ташкилий сабаблар туфайли ишни вақтинча тўхтатиб туриш) ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиши қайд этилган. Бироқ амалда бундай бўлмаган.

Ушбу низо судда кўриб чиқилди. Суд қарори билан 60 нафар ходимга 2024 йил 17 августдан 2025 йил январь ойигача бекор туриб қолган даврлар учун 300 миллион сўмга яқин иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгашининг Фарғона вилояти
бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ўзбекистон ODIN

рейтингида дунёда

12-ўринга

кўтарилди

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар бўйича халқаро «Open Data Inventory» (ODIN) рейтингида, 2024 йил натижаларига кўра, 198 та мамлакат орасида 83 балл билан 12-ўринга кўтарилди ҳамда

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА 1-ЎРИННИ САҚЛАБ ҚОЛДИ.

Маълумот учун, Open Data Inventory (ODIN) – очик маълумотлар сисъатини илгари суриш, расмий статистика камчиликларини аниқлаш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва очикликни баҳолайди.

ЎЗБЕКИСТОН OPEN DATA INVENTORY
(ODIN) РЕЙТИНГИДА:

2017 йилда	180 та мамлакат орасида 18 балл билан 167-ўринни;
2018 йилда	178 та мамлакат орасида 19 балл билан 168-ўринни;
2020 йилда	187 та мамлакат орасида 63 балл билан 44-ўринни;
2022 йилда	192 та мамлакат орасида 66 балл билан 40-ўринни;
2023 йилда	195 та мамлакат орасида 70 балл билан 30-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон касба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган

хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
муружаат
қилишлари
мумкин.



ТАНЛОВ



Кувончбек ТўРАЕВ олган сурат

ЭНГ ФАОЛ ЭЛЕКТРОМОНТЁР АНИҚЛАНДИ

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида Рақамли технологиялар вазирлиги кўмағида «Энг фаол электромонтёр» танлови ўтказилди.

Ёшларнинг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, танлаган касбига бўлган қизиқишини кучайтириш, иқтидорли мутахассисларни аниқлаб, рағбатлантириш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбирда иштирокчиларга олдиндан хавфсизлик бўйича йуриқнома берилди, иш жойлари замонавий ҳимоя воситалари билан жиҳозланди. Бу эса нафақат жараёнинг хавфсизлигини таъминлади, балки ёш электромонтёрларда саноат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилди.

Финал босқичи назарий тестлар ва амалий машқлар асосида бўлиб ўтди. Назарий қисмда иштирокчилар электр хавфсизлиги қондалари, тармоқларни диагностика қилиш, модернизация ва янгиланишлар бўйича саволларга жавоб беришди. Амалий қисм эса электромонтёрларнинг мураккаб электр тизимларини қисқа

фурсатда тузатиш, авария ҳолатларида тўғри қарор қабул қилиш каби кўникмаларини синовдан ўтказди.

— Устозлар ҳар бир сим ортида бутун тизим турганини ҳис қилиш лозимлигини ўргатишган. Биз электр токи билан эмас, ишонч билан ишлаймиз. Ҳар бир хизматимиз — одамлар ҳаётини енгиллаштиради. Бу каби танловлар эса касбимиз обрўсини оширишга, ёш мутахассисларни илҳомлантиришга хизмат қилади, албатта, — дейди етти йиллик тажрибага эга электромонтёр Моҳиржон Самуқов.

Соҳага оид етакчи мутахассислардан иборат ҳайъат аъзоларининг баҳолаш натижаларига кўра, энг яхши учта жамоа диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, барча финалчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

ЎҚУВ-СЕМИНАР

СОҒЛИҚ — БАРЧАСИДАН МУҲИМ

«Qizilqumsement» АЖда «Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи ишлаб чиқариш натижаларидан устувор» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда корхона раҳбарияти, меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар, шунингдек, цех касаба уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

Иш жойларида меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган йиғинда ташкилот бош директори С.Мельников сўзга чиқиб, ходимлар учун муносиб шарт-шaroит яратиш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини асраш муҳим масала эканини таъкидлади.

Шунингдек, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги кўмитаси Навоий ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Қодиров, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси давлат инспектори

О.Кенжаев, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ўқитувчиси Х.Раббимов, Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Н.Юлдашеввалар ўз чиқишларида иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсиз иш ўринлари яратиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўқув-семинар асноси меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида жонбозлик кўрсатиб келаётган ходимлар алоҳида эътироф этилиб, уларга эсдалик совғалари улашилди.

Амир АҲМЕДОВ



ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ

Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори доирасида ўз тасарруфидаги ходимлар учун Жиззах вилоятига саёҳат уюштирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдиндан ташкил этилган ушбу тадбир, аввало, ички туризмни ривожлантиришга, қолаверса, меҳнат жамоалари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳат-

ликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Зияратчилар саёҳатдан катта таассурот билан қайтишди.

Ўз мухбиримиз

ИЖОД ВА САНЪАТ ЗАВҚИ

Шу кунларда юртимиз бўйлаб Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги бўлиб ўтмоқда

Бу йил Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилеи кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Халқаро анъанавий санъат фестивали, Навоий вилоятидаги «Раҳбар ва ёшлар» очик мулоқоти, санъат мактабларида ишлаётган ижодкор устозлар иштирокидаги «Касбим — фахрим» фестивали, Фарғона вилоятидаги «Касаба уюшмалари ҳаракати ёшлар нигоҳида» маданий-маърифий учрашуви, пойтахтимизда қарийб бир ой давом этган «Қалдирғоч» — IV Республика болалар мусиқа ижодкорлари танлови шулар жумласидандир.



Касаба уюшмалари ҳаракати ёшлар нигоҳида

Ҳафталик доирасидаги навбатдаги тадбир Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси томонидан уюштирилди. «Касаба уюшмалари ҳаракати ёшлар нигоҳида» шиори остида Марғилон туризм ва маданий мерос техникумида бўлиб ўтган давра суҳбатида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси раиси Манзураҳон Акрамова техникум талабаларига Ўзбекистонда дастлабки касаба уюшмаларининг ташкил этилиш тарихи ва бугунги кундаги фаолияти, жамиятимизда тутган ўрни ҳақида маълумот бериб ўтди.

Тадбирга улашиб кетган викторина ўйини ҳам қизиқарли кечди. Касаба уюшмалари ҳаёти ва тарихига оид саволларга аниқ ҳамда тўғри жавоб берган ёшлар бирлашган кўмитанинг эсдалик совғаларига эга чиқишди.

— Бугунги учрашув орқали касаба уюшмалари тарихига оид билимларни ўзлаштирдик, — дейди Марғилон туризм ва маданий мерос техникуми талабаси Моҳигул Раимова. — Айниқса, викторина ўйини орқали билимларимизни янада мустаҳкамладик. Қолаверса, касаба уюшмага аъзо бўлиш афзалликлари, қандай имтиёزلарга эга бўлиш мумкинлиги ҳақида қўллаб маълумотлар олдик.

Рухшона ИЛАШОВА



Касбидан фахрланаётган устозлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигини нишонлаш ҳафталиги муносабати билан Ренессанс кино уйида «Касбим — фахрим» кўп жанрли мусиқа фестивали ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу фестивалда пойтахтимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёш ўқитувчилари ўзларининг махсус мусиқий чиқишларини намойиш қилишди.

Санъатнинг даргоҳи кенг, унда нон топишнинг турли йўллари ва жанрлари бор. Бироқ ўқитувчилик — янги бастакорлар ва буюк мусиқачилар етиштиришга бел боғлаш — баланд дорга осилишни

уддалашдай масъулиятли ва машаққатли иш. Фестиваль эса мана шундай ижод билан бира, дарс бераётган ёш ўқитувчилар учун ўз истеъдодларини намойиш қилиш ва янги тажрибалар орттириш учун катта майдон вазифасини ўтади. Улар ўз чиқишларида миллий, классик ва жаҳон мусиқаларига мурожаат қилишаркан, ҳар бирида ички энергия ҳамда белтакор руҳ сезилиб турарди. Айниқса, Ўзбекистон миллий мақом санъати маркази Тошкент вилояти бўлими қoшидаги мусиқа маоасининг ижроси томошабинлар томонидан юксак олқишланди.

— Яшнобод туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида саксофон ўқитувчиси бўлиб ишлайман, — дейди Акмал Иброҳимов. — Бола-

лигимдан саҳнада чиқиш қиламан, турли фестиваллар иштирокчиси, халқаро ва республика танловлари ғолибиман. Бугун ҳам айнан мусиқа учун яратилганимни ҳис қилдим. Ҳозир тўққиз нафар ўқувчим бор, барчаси истеъдодли. «Устоздан ўлмагани шогирд, шогирд эмас» дейишди. Ишонманки, ўқувчиларим мендан-да юксак марраларни эгаллаб, жаҳон тан оладиган мусиқачилар бўлиб етишадилар. Мен бу йўлда уларга қўлимдан келганча ёрдамга шайман.

Тадбир сўнггида барча иштирокчилар тармоқ касаба уюшмасининг дипломи ва байрам совғалари билан тақдирландилар.

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»

Ҳафталик давомида тизимда фаолият юритаётган ёшлар масалаларини ўрганиш ва уларга берилаётган имтиёзлар бора-сида фикр алмашиш мақсадида Навоий вилоятида «Раҳбар ва ёшлар» очик мулоқоти ўтказилди. «Фарҳод» маданият саройида бўлган учрашувда тармоқ тизимида меҳнат қилиб келаётган ёш ишчи-ходимлар, олий таълим муассасалари талабалари, раҳбарлар ва фаоллар иштирок этишди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон давлат сатира театрининг маҳоратли актёрлари томонидан Маар Байжиев қаламига мансуб

«Қалбим соҳили» номли спектакль намойиш этилди. Кейин бевосита мулоқот бошланди. Республика кенгаши раиси Отабек Мусаев спектаклнинг тарбиявий жиҳатлари ҳақида тўхталиб, ёшларнинг намойишдан кейинги чиқарган хулосалари билан қизиқди. Шунингдек, Касаба уюшмаларининг тарихи, бугунги фаолияти ва ишчи-ходимларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг тармоқ тасарруфидаги ташкилотларда меҳнат қилиб келаётган ва таълим олаётган энг фаол ёшларнинг 50 нафарига

Хива шаҳрига саёҳат учун, икки нафарига «Ўмид гулшани» ва «Кўхинур» санаторийларига бепул йўлланмалар берилди. Очик мулоқот давомида касаба уюшмалари фаолияти ҳамда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича викторина ўйини ўтказилди. Саволларга тўғри ва тезкорлик билан жавоб берган 30 нафар ғолибга тармоқ касаба уюшмаси Навоий вилояти бирлашган кўмитасининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

«Қалдирғоч» — янги истеъдодларни кашф этаётган танлов



— «Қалдирғоч» нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ёш бастакорлар танловидир. Уни ўтказишдан мақсадимиз ноёб қобилият эгалларини излаб топиш, истеъдодларни кашф этишдир. Ваҳоланки, кўшиқ ижро этишга қизиқувчилар жуда кўп, аммо куй басталовчи ноёб қобилиятлар кам. Шундай экан, уларни ёшлигидан бу йўналишга янада кўпроқ қизиқтиришимиз, рағбатлантиришимиз зарур, — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, санъат арбоби Рустам Абдуллаев.

Бу йилги танловда ҳам республикамизнинг турли ҳудудларидан 30 га яқин ўқувчилар ўзларининг 40

га яқин асарлари билан иштирок этдилар. Унда қўтилганидек янги номлар кашф этилди. Масалан, Закия Мусаеванин «Дутор таровати» (дутор ва фортепиано учун), Ольга Завлунованин «Ялмоғиз кампир сехри» (фортепиано учун), Сайидаим Бахтиёрованин «Давр қалби» (скрипка ва фортепиано учун), Беҳзод Шариповнин «Вальс» (тромбон ва фортепиано учун), Ситора Жабборованин «Рақс» (фортепиано учун), Нурушода Мусаеванин «Сўнгги чироқ» (фортепиано учун) басталаган куй ва пьесалари, Даулетназар Хабибназаровнин «Кетганлар қайтип келерме?» овоз ва қўбиз учун жиров йўлида ёзган

асари ҳакамлар ва санъат илҳомландилари қалбидан жой олди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимиде ҳеч бир иштирокчи эътибордан четда қолмади. Касаба уюшмалари томонидан уларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринга муносиб топилган ҳамда бош мукофот — Гран-прини қўлга киритган энг истеъдодли катнашчилар эса Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

СУЗИШ

КЕКСА-Ю ЁШ ТЕНГ БАҲСЛАШДИ



Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик байрамига бағишлаб, сузиш мусобақалари ўтказди.

Спортнинг ушбу турини кенг оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ҳамда уларнинг маҳоратларини ошириш мақсадида ташкил этилган беллашуларда 30

ёшдан юқори бўлган спортчилар ҳамда фахрийлар иштирок этишди. Улар турли ёш тоғасида эркин усулда сузиш ва эстафетали баҳсларда қизгин беллашди.

— Сузиш танадаги деярли барча мушакларни ишлатиб кўп миқдордаги калорияларни йўқотишга ёрдам беради, — дейди мусобақа ғолиби, 65 ёшли Владимир Бондарёв. — Қолаверса, томир тизими фаолияти учун ҳам жуда фойдали. Шунинг учун ҳам бу спорт тури бар-

чага, жумладан, сурункали касалликларга чалинганларга жуда асқатади. Шунингдек, сув одамларни енгил қилади, яъни бугимлардаги юкни «йўқотади». Асосийси, сузиш билан ҳар қандай ёшдаги одамлар шўғулланса бўлади.

Ғолиблар бирлашган кўмитанинг дипломи, медаль ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Икромжон СОЛИЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитаси раиси



Пестицидлар: ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КИМЁВИЙ ЗАҲАРЛАНИШДАН ҚУТҚАРИБ БЎЛАДИМИ?

Қишлоқ хўжалиги — фақат далалардаги ҳосил эмас, балки бутун мамлакатнинг таянчи. Бугунги кунда унинг ҳиссаси миллий иқтисодиётда 25 фоизни ташкил қилади. Миллионлаб инсонлар — фермерлардан тортиб, кафтдек ҳовлисидаги ризққа кўз тиккан деҳқонларгача шу соҳага боғланган. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доимий ва жиддий ислохотларни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби ташаббуслар ҳукуматимиз учун иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий қисми сифатида қўрилаётгани бежиз эмас. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кимёвий пестицидлардан ортиқча ва нотўғри фойдаланиш бугунги кунда негадир эътибордан четда қолмоқда. Пестицидлар бир қарашда ҳосилдорлиқни оширади, дейилади. Лекин улардан кўп ва нотўғри фойдаланиш — одамлар соғлиги, табиат ва ҳатто Ўзбекистоннинг дунё бозорларидаги рақобатбардошлигига ҳам жиддий зиён етказмоқда. Агар бу муаммога жиддий ёндашмасак, унинг оқибати нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун мамлакатнинг келажаги учун оғир бўлиши мумкин.

**ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ:
ПЕСТИЦИДЛАР
НИМАДАН ИБОРАТ?**

Пестицидлар — ўсимлик зараркундалари, бегона ўтлар ва турли касалликларга қарши қўлланиладиган кимёвий моддалар. Ўзбекистонда фермерлар улардан пахта, ғалла ва сабзавот етиштиришда, иссиқхоналарда ҳосил ҳимояси учун кенг фойдаланишadi.

Қисқаси, пестицидлар қишлоқ хўжалигидеяда ажралмас воситага айланиб улгурган. Лекин улардан ортиқча фойдаланиш жуда оғир оқибатларга олиб келмоқда.

2022 йилнинг ўзида пахта саноатида пестицидлар сабаб етказилган иқтисодий зарари тахминан 200 миллион долларни ташкил қилди. Бу — Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич.

Бундан ташқари, пестицидлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимиз Европа Иттифоқи ва бошқа бозорларнинг қатъий талабларига жавоб бермай қолмоқда. Маҳсулотлар рад этилади, экспорт имкониятларимиз қисқаради.

Эътибор қилинг: ҳозир Ўзбекистонда ишлатилаётган пестицидларнинг тахминан 60 фоизи Европада бутунлай тақиқланган моддалар қаторига киритилган! Бу эса бизнинг амалиётимиз ва жаҳон қоидалари ўртасида жиддий фарқ борлигини кўрсатади.

Туркия каби давлатлар эса аллақачон халқаро талабларга мос келувчи, хавфсиз воситалардан фойдаланишга ўтган.

**ТАБИАТ ВА ОДАМЛАР
ҚАНДАЙ ЗАРАР КЎРЯПТИ?**

Пестицидлар нафақат иқтисодий зарар келтиради, балки ернинг унумдорлигини пасайтиради, сув ва ҳавони ифлослайди. Асаларилар, қушлар ва бошқа табиий чангалувчилар ҳам заҳарланади, бу эса озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таҳдид солади.

Энг оғриқли жойи шундаки, бундан одамлар ҳам зарар кўряпти. Хусусан, далаларда ишловчи деҳқонлар пестицидлар билан тўғридан-тўғри ишлагани учун сурункали касалликларга мойил бўлиб қолишяпти. Аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат ва сув орқали ҳам организмга заҳарли моддалар кириб боради.

Бир сўз билан айтганда, бу заҳарлар ҳар биримизнинг ҳаётимизга қадам-бақадам сингиб бормоқда.

НЕГА ФЕРМЕРЛАР ҲАЛИ ҲАМ ПЕСТИЦИДГА МУҲТОЖ?

Савол туғилади: агар пестицидлар шунча зарарли экан, нима учун деҳқон ва фермерлар улардан воз кечишмайди?

Жавоби оддий: пестицид тез самара беради. Қисқа вақтда ҳосил сақланади. Биологик ёки органик усуллар эса қийин, вақт талаб қилади ва кўпинча қиммат туради.

Деҳқонларнинг кўпчилиги «яшил» усуллар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Уларнинг иқтисодий имкониятлари ҳам барқарор усулларга ўтишга имкон бермайди. Бундан ташқари, ҳукумат томонидан пестицидлар назорати сустиглигича қолмоқда.

ЕЧИМ БОР: БАРҚАРОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Барқарор қишлоқ хўжалиги — бу атроф-муҳитга таъсирни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат етиштириш учун биологик манбалардан фойдаланишга эътибор қаратади. Интеграциялашган зараркундаларни бошқариш (Integrated Pest Management), органик деҳқончилик ва биопестицидлар каби замонавий усуллар кимёвий пестицидларнинг зарарли таъсирини камайтириш билан бирга, тупроқ саломатлиги, биохилма-хиллик ва маҳсулот сифати юқорилигини таъминлаш учун янги имкониятларни тақдим этади. Бу каби барқарор амалиётни Ўзбекистонда ҳам тизимли тарзда жорий қилиш ва деҳқон ва фермерлар орасида кенг ёйилишини қўллаб-қувватлаш даркор. Бунинг натижасида:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- тупроқ ва сув ресурсларини авайлаш;
- озиқ-овқат сифати ва аҳоли саломатлигини биринчи ўринга қўйиш мумкин бўлади.

Бунинг учун интеграциялашган зараркундаларни бошқариш (IPM), органик деҳқончилик, биопестицидлар каби усуллардан фойдаланилади.

Ҳозирда Европада қишлоқ хўжалиги ерларининг 19,1 фоизи органик. 2030 йилгача бу кўрсаткични 25 фоизга етказиш режалаштирилган.

Австралия, Ҳиндистон, Аргентина, Хитой, Франция — барчаси бу йўналишда илгарилаб кетган. Лихтенштейн ва Австрия эса ҳатто 40 фоиздан ортиқ органик қишлоқ хўжалигига эга.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АНИҚ ЙЎЛЛАР

Агар биз ҳам пестицидлардан қутулиб, барқарор қишлоқ хўжалигига ўтишни истасак, мутахассислар қуйдаги ишларни қилиш шартлигини тавсия этишмоқда:

- пестицидлар ишлаб чиқариш, импорт ва қўллаш жараёнларини қатъий назорат қилиш;
- биопестицид ва органик воситаларни қўллаб-қувватлаш учун молиявий рағбатлар яратиш;
- деҳқон ва фермерларни органик усулларга ўқитиш ва тарғибот қилиш;
- лабораториялар тармоғини тиклаш, заҳарли қолдиқларни текшириш тизимини йўлга қўйиш;
- қонунларни қаттиқлаштириш ва соддалаштириш, жиний жавобгарлик механизмларини кучайтириш;
- халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш.

Бундан ташқари, пестицидлар Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш салоҳиятига ҳам жиддий зарар келтирмоқда. Ўзбекистоннинг қўллаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Европа иттифоқи ва бошқа бозорларнинг кимёвий моддалар қолдиғи билан боғлиқ

Саида ИБОДИНОВА тайёрлади.

«Oila va tabiat» газетасининг 2025 йил 1-майдаги 17-сонидан олинди.

МАСЪУЛЛАР НЕГА СУКУТ САҚЛАШМОҚДА?

Газетамизнинг 2024 йил 26 сентябрь сонида эълон қилинган «Нурафшоннинг нурсиз кўчаси» сарлавхали мақолада Хоразм вилояти, Боғот тумани, Нурафшон шаҳарчасидаги нотекис, қоронғи, жорий меъёрларга мутлақо жавоб бермайдиган йўл танқид остига олинганди. Мана, орадан анча вақт ўтди. Аммо вазият ўнгланмади. Аҳвол ҳали ҳам ўша-ўша. Аҳоли эса умид билан яшамоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бу ердагиларга осон эмас. Айниқса, ота-оналар болаларини юрак ҳовуцлаб мактабга жўнатишяпти. На пиёдалар йўлакчаси бор, на ўтиш жойи. Ўқувчилар тор ва хавфли йўлдан минг-ма-

шаққат билан мактабга қатнашга мажбур. Кўчада ҳатто тунда ҳам қатнов тўхтамайди. Қачон қарасанг, шовқин-сурон. Йўл амалаверганидан текис жойининг ўзи қолмаган. Ҳолатдан одамлар-



■ МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

нинг паймонаси тўлган. — Шу йўлни деб ҳаловатимиз йўқолган, — дейди Бибижон ая Болтаева. — Хонадонлар билан йўлнинг ораси бор-йўғи 2-3 метр. Шовқиндан ҳимояланишнинг имкони йўқ. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида бунга тоқат қилиш азоб. Хўплас, «Эзгулик» кўчаси капитал таъмирга муҳтож. Ҳаракат хавфсизлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. На кузатув камераси, на йўл-патруль хизмати ходими бор. Шу боис транспорт ҳодисалари тез-тез рўй берапти. Сарғайиб кетган йўл белгиларининг қошиқ фойдаси бўлса...

Аслида йўллар вазифаси ва жойлашувига кўра, асосий, магистрал, айланма, ички хўжалик, тармоқ ва бошқаларга бўлинади. Аммо бу йўлни автомагистрал десангиз, у туман ва вилоятларни бир-бирига боғламайди. Ички хўжалик йўли десангиз, туну кун серкатнов ва назоратсиз, лоақал битта светофор йўқ.

Хўш, йўл қачон тартибга солинади? Мутасаддилар қачон халққа қайишиб, улар бу йўлдан эмин-эркин ва хотиржам қатнашлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиб берадилар?

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

Фарғона ўзининг сўлим табиати, азим чинорлари билан маълуму машҳур. Айниқса, йўл ёқаларига экилган чинорлар шаҳар кўригига кўрк қўшди. Аммо кейинчалик улар аёвсиз кесиб ташланди.

ДАРАХТЛАР ҚУРИЛИШЛАР ҚУРБОНИГА АЙЛАНМАСИН

Маълумотларга кўра, биргина Фарғона шаҳрининг ўзида 60 минг тупдан зиёд чинор кўкка бўй чўзган. Шунинг учун шаҳар кўчалари ёзнинг жазирамасида ҳам салқин бўлиб, одамларга ҳузур бағишлаган.

Аслида Фарғонага минглаб чинорлар бежиз экилмаган. Чунки вилоятда сизот сувлари ер сатҳига яқин жойлашган. Ушбу дарахт сизот сувларини ўзига тортиб, шўрланишнинг олдини олишда яхши самара беради. Қолаверса, турли зараркунанда ҳашаротларга чидамли ҳамда жазирама иссиқдан қутқарувчи ҳамдир.

Аммо негадир кейинги пайтларда чинорлар камайиб, шаҳар

кўчаларига кичик манзарали кўчатлар, шунингдек, арча кўп экилмоқда. Тўғри, бу турдаги буга ва дарахтларнинг фусункорлиги бор, аммо сояси кам. Устига-устак, улар доимий парвариш ва кўп сув талаб қилади.

Агар иқлим ўзгариши ва глобал исийш муаммосини ҳисобга олсак, Фарғона табиатининг ўзига хос рамзи ҳисобланган чинорларни кўпроқ экиш лозим.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Экологик ҳолат тобора ёмонлашиб бораётган бир пайтда дарахтқушлар топилаётгани ачинарлидир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун битта мисол келтирсак. Айни пайтда Фарғона шаҳрининг Сайилгоҳ ва ал-Фарғоний кў-



часи туташган ҳудудда қурилиш ишлари кетмоқда. Ураб олинган майдонда эса кўп йиллик дарахтлар қуриб бораётганини кўриш мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат «Ёшлар боғи»да ҳам юз берган эди. Ушунда бир нечта чинор тагидан, бошқа манзарали дарахтлар эса юқори қисмидан кесиб ташланганди.

Бугун Фарғонада инфратузилмалар яхшиланиб, замонавий бинолар қад ростламоқда. Бу яхши, албатта. Лекин бунёдкорлик ишлари яшнаб турган дарахтларни нобуд қилиш эвазига бўлмаслиги керак.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

■ ТАҲЛИЛ

қатъий меъёрларига мос келмайди. Оқибатда экспорт қилинадиган маҳсулотлар бу бозорларга киритилмасдан рад этилади ва молиявий йўқотишлар вужудга келади.

ЭРТАГА КЕЧ БЎЛИШИ МУМКИН

Бу ҳақда биолог олим Бахтиёр Абдуғафур шундай дейди: «Яқин келажақнинг қишлоқ хўжалигида органик маҳсулот катта улушга эга бўлади. Бу бугунги бозорнинг талабидан келиб чиқиб қилинаётган илмий ҳулоса. Йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бу бозорга кирган, келажақдаги ўрнини белгилаб олиш учун илмий пойиҳаларга зўр берган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам шу йўналишга ўтади...».

«Ўтмасдан иложиси йўқ» — дея давом этади олим. — Чунки бозорнинг талаби шундай. Айтайлик, бошида органик тарвуз 3 долларга сотилса, кимёвий тарвуз 1 долларга баҳоланади. Бу нарх шундай турмайди — органик ишлаб чиқарувчи кўпаяди. Хориж ишлаб чиқарувчилари илмий асослар, аниқ башоратлар билан ишлайди, ҳам ўзгарувчан бозорга тез мослашади. Мослашмаса рақобатда синади. Табиийки, органик маҳсулот таклиф этувчи кўпаяди ва органик тарвузнинг нархи яна тушади. Бора-бора, органик тарвуз нархи кимёвий тарвуздан арзон бўлиб кетади. Сабаби органик маҳсулот ишлаб чиқариш кимёвий усулдагисидан арзонроққа тушади.

Охир-оқибат, кимёвий усулда етиштирилган маҳсулотлар бозорда ўтмайди. Бу яқин келажақ учун илмий асосланган ҳулоса...».

Прогнозларга кўра, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳозирги ҳолатида органик маҳсулотлар бозорига кириши, рақобатта дош бериши жуда қийин кечади.

Биринчидан, зехният ва тафаккур. Ҳалигача анъанавий деҳқончилик.

Иккинчидан, органик сертификат олишда нафақат маҳсулот, балки тупроқ ҳам текширилади. Бизнинг тупроқларимиз агрозаҳарлар билан зарарланган, уларни йўқ қилиш — тозалаш учун йиллар керак бўлади.

Учинчидан, ҳар бир экин, полиз маҳсулоти ва мева учун конкрет илмий асосланган усуллар ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга заҳар олиб кириб сотаётганлар бу бозорни осонлик билан бериб қўймайди. Балки уларнинг таъсири ҳам бўлар. Келажақ бугундан бошланади. Бугунги ниятимиз қандай бўлганини вақт кўрсатади. Бу рақобатда юта оламиз, гигантга ҳам айлишимиз мумкин. Бизнинг ҳудудимиз шароити (қатор табиий омиллар) келажақ бозорининг асосий ўйинчисига айлантира олади.

Фақат эсда тутиш лозим, келажақ дунёсида озиқ-овқат хавфсизлиги янада барқарорлиқни талаб этади. Бу соҳаларга ҳар турдаги инвестициялар оқими кўпаяди. Демак, ютиш учун имкониятимиз бор.

Пестицидлар муаммосини ҳал қилиш учун ҳозир қатъий ва тизимли ҳаракат зарур. Агар бугун жўшмасак, эртага нафақат тупроқларимиз, балки соғлигимиз, иқтисодиётимиз ҳам зарар кўради.

Барқарор қишлоқ хўжалиги — Ўзбекистон учун нафақат экологик йўл, балки иқтисодий тараққиётнинг ҳам қалити ҳисобланади. Бу йўлда бугунги қабул қилинган қарорлар эртанги соғлом жамият пойдеворига айланади.

Саида ИБОДИНОВА тайёрлади.

«Oila va tabiat» газетасининг 2025 йил 1-майдаги 17-сонидан олинди.

ТАБИАТ

